БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 83 (1603)
26 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимизнинг куч ва қудрат манбаи бўлган СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

(КПСС Марказий Комитетининг 1- Май Чақириқларидан).

СОВЕТ-ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Янги Зеландия Бош Министри Уолтер Нэш, СССР ҳукуматининг таклифига биноан, 1960 йил 18 апрелдан 24 апрелга қадар Совет Иттифоқида расмий визит билан меҳмон бўлиб турди. Янги Зеландия Бош Министри департаментининг доимий бошлиғи ва ташқи ишлар министрлигининг доимий секретари А. Д. Макинтош ва расмий маслаҳатчилар У. Нэшга ҳамроҳ бўлиб юрдилар.

Янги Зеландия Бош Министри ва унинг ҳамроҳлари Совет Иттифоқида бўлган вақтларида Москва, Киев ва Ленинградга бордилар, Қора денгизнинг Кавказ соҳилини бориб кўрдилар, илмий ва маданий муассасаларни, диққатга сазовор тарихий жойларни, шунингдек бир колхозни бориб кўрдилар.

У. Нэш СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан, шунингдек СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан учрашди ва суҳбатлашди.

У. Нэш СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳузурида бўлди.

Шу учрашувлар ва суҳбатлар вақтида жуда муҳим халқаро проблемалар устида, шунингдек Совет-Янги Зеландия муносабатлари масалалари устида фикрлашиб олинди.

Бу фикрлашишлар натижасида ҳар иккала давлат ҳукуматлари муҳокама қилинган халқаро проблемаларга доир бир-бирларининг позицияларини яхшироқ тушунишиб олдилар ва бундай фикрлашувлар Совет-Янги Зеландия муносабатларини янада яхшилаш учун фойдали бўлди.

Ҳар иккала ҳукумат, ҳукуматлар бошлиқларининг 16 майда Парижда очиладиган кенгаши яхши ният ва ҳамжиҳатлик бўлган тақдирда халқаро кескинликни янада юмшатишга ёрдам бериши мумкин, деган фикрга келдилар ва бу хилдаги кенгашлар ўтказиш халқаро муносабатлар практикасида мустаҳкам ўрин олсин, деган истак билдирдилар.

Улар, турли мамлакатларнинг давлат арбоблари бир-бирлари билан шахсий алоқалар ўрнатишлари ва уларни кенгайтиришлари ҳамда дўстона фикрлашиб туришлари, бундай шахсий алоқалар ва дўстона фикрлашувлар ҳамма мамлакатлар ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга ва яхшилашга ҳамда халқлар ўртасида ишонч вазияти вужудга келтиришга ёрдам беради, деб якдиллик билан айтдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Янги Зеландия Бош Министри У. Нэш билан ўтказган суҳбатлари вақтида қуролсизланиш проблемаси муҳокама қилинди. Томонлар қуролсизланиш проблемаси ҳозирги дунёнинг кечиктириб бўлмайдиган энг зарур проблемасидир, ҳамма халқлар бу проблеманинг ҳал қилинишини кутмоқда, чунки самарали халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланишгина мустаҳкам тинчликни сақлашни ҳамда инсониятнинг экономика, маданият ва фан соҳаларида тараққий этишини таъминлайди, деган фикрга келдилар. Ҳар иккала ҳукумат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XIV сессиясининг бу масалага доир қаторини тезроқ амалга ошириш йўлидаги ўзларининг куч ва ғайратларини давом эттиришга қарор қилдилар. Улар ўн давлатнинг Женевадаги музокаралари ижобий натижаларга олиб келади, деб умид билдирадилар.

Уларнинг умумий мақсади ядро қуролини абадий тақиқлашдан ҳамда атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш соҳасида ҳамма давлатларнинг кенг ҳамкорлик қилишидан иборат бўлиб қолади. Тегишли халқаро инспекция ва контроль ўрнатган ҳолда ядро қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш бу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлур эди. Томонлар бу соҳада қаноатланарлик битимга келишни жадаллаштириш мақсадида ўзларининг куч ва ғайратларини давом эттиришга қарор қилдилар

СССР Министрлар Совети Раиси ва Янги Зеландия Бош Министри ўз ҳукуматларининг Германия сулҳ шартномаси ва Ғарбий Берлин масалаларига доир фикрларини баён қилиб бердилар, шу проблемаларни келишиб олинган асосда тезроқ ҳал қилиш Европада ва бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни таъминлашга қўшилган катта ҳисса бўлур эди, деган фикрни айтдилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари ижтимоий-сиёсий системалари турлича бўлган давлатлар ўзлари истасалар дўст бўлиб тинчликда яшай олишлари мумкин деган қатъий фикрга келдилар. Халқаро низоли масалаларни ҳал қилиш усули тариқасида уруш ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш халқаро муносабатлар практикасидан чиқариб ташланиши лозим.

СССР билан Янги Зеландия ўртасидаги савдо масаласида шу нарса қайд қилиндики, ҳар иккала мамлакат ўртасида савдонинг кенгайишига кўмаклашмоқ учун вақти-вақти билан музокаралар ўтказиб турилиши керак. Савдо музокаралари битимга келиш мақсадида яқин келажакда яна бошланиши мумкин, деган қарорга келинди, бу битимга кўра, ҳар иккала мамлакат савдо масалаларида бир-бирига энг кўп қулайликлардан фойдаланувчи миллат режимини беради. Жумладан, Янги Зеландияга мазкур битим амалда бўлган даврда Совет Иттифоқининг импорт эҳтиёжларига мувофиқ моллар етказиб бермоғи учун бошқа мамлакатларникидан қолишмайдиган қулай имкониятлар берилади.

Томонлар маданий айирбошлаш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар ва СССР билан Янги Зеландия ўртасида илмий ва маданий айирбошлашнинг сони айниқса кейинги тўрт йил ичида тобора кўпайиб бораётганлигини қайд қилдилар. Бу айирбошлашлар кўп соҳаларни ўз ичига олди ва яхши натижалар берди. Ҳар иккала раҳбар маданий айирбошлашнинг бундай кенгайишини икки халқнинг бир-бирини тушунишига ва бир-бирига дўст бўлишига ёрдамлашувчи фойдали воситаларидан бири бўлмоқда, деб табрикладилар. Ҳар иккала мамлакат олимларининг визит айирбошлаганликлари ва океанография тадқиқотлари ўтказган ва кит овлаш билан шуғулланган совет кемаларининг Янги Зеландияга қилган визитлари айниқса ўзаро фойдали бўлди.

Ҳар иккала томон кит овлаш билан шуғулланувчи халқаро комиссияда ва Антарктикада илмий ишлар олиб боришда, айниқса халқаро геофизика йилини ўтказиш вақтида бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилдилар. Шу тариқа вужудга келган амалий муносабатлар Антарктика тўғрисидаги шартномани ўтган йил Вашингтонда муҳокама қилиш вақтида мустаҳкамланди, ўша вақтда ҳар иккала мамлакат ўзларининг фикрлари, айниқса Антарктика тинчлик йўлида ривожлантирилиши лозимлигини, шу жумладан манфаатдор ҳукуматларнинг ҳаммаси Антарктикада илмий тадқиқотларни бемалол ўтказадиган бўлиши лозимлигини белгилашда ўз фикрларининг бир-бирига жуда мос эканлигини намойиш қилиб кўрсатдилар. Шу муносабат билан, шартнома қатнашчиларининг ҳаммаси бу шартномани яқин вақт ичида ратификация қилажаклар, деб умид билдирилди.

Ҳар иккала ҳукумат илмий ва маданий муносабатларни янада ривожлантириш йўли билан ҳамжиҳатликни кенгайтириш СССРнинг ҳам, Янги Зеландиянинг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади ва ҳар иккала мамлакат маданий ва илмий алоқаларни рағбатлантирмоқ ҳамда ривожлантирмоқ учун ўзларининг куч ва ғайратларини сарфлай берадилар, деган фикрга келдилар.

Томонлар Янги Зеландия Бош Министри У. Нэшнинг Совет Иттифоқига қилган визити Совет-Янги Зеландия муносабатларини ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янада яхшиламоқ ва ривожлантирмоқ учун қулай имкониятлар борлигини кўрсатиб берганлигини мамнуният билан қайд қиладилар.

Н. С. Хрушчев Бокуга жўнаб кетди

ТБИЛИСИ, 24 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг отпуска вақтини Гаграда ўтказди ва Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 40 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун кеча Гаградан поезд билан Бокуга жўнаб кетди.

Н. С. Хрушчев Тбилисида бироз тўхтаб, шаҳарни айланиб чиқди ва сўнгра республиканинг раҳбар ходимлари билан учрашди. Грузия пойтахтида, шунингдек поезд Сухуми, Самтредиа, Хашури ва бошқа станцияларда тўхтаганида меҳнаткашлар Н. С. Хрушчевни самимий табрикладилар.

Н. С. Хрушчев республикадан ўтиб бораётганида Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. П. Мжаванадзе, республика Олий Совети Президиумининг раиси Г. С. Дзоценидзе ва Грузия ССР Министрлар Советининг раиси Г. Д. Жавахишвили унга ҳамроҳ бўлдилар.

Янги Зеландия Бош Министри Уолтер Нэш Москвадан жўнаб кетди

Совет ҳукуматининг таклифига биноан, расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Янги Зеландия Бош Министри ва ташқи ишлар министри Уолтер Нэш жаноб олийлари 24 апрелда Москвадан жўнаб кетди.

Янги Зеландия ҳукумати бошлиғини узатиб қолиш учун Внуково аэродромига меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари тўпландилар. А. И. Микоян, А. Н. Косигин ва бошқа ўртоқлар ҳам аэродромга келдилар.

Аэродромда А. И. Микоян ва Уолтер Нэш нутқ сўзладилар.

У. Нэшнинг СССР бўйлаб қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган янги зеландиялик бошқа меҳмонлар ҳам у билан бирга Москвадан жўнаб кетдилар. (ТАСС).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ОЗАРБАЙЖОНГА КЕЛДИ

Юз минглаб бокуликлар азиз меҳмонни табрикладилар

БОКУ, 24 апрель. (ТАСС). Шу кунларда Озарбайжон халқи иккита шонли воқеани: Озарбайжонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг ва Коммунистик партия ташкил этилганлигининг 40 йиллигини нишонламоқда. Нефть промисловларида, заводлар ва янги қурилишларда, колхоз ва совхоз далаларида эришилган янги меҳнат ғалабалари тўғрисида хабарлар келмоқда. Совет Озарбайжони коммунизм қуриш ишига, етти йиллик программани муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Республика пойтахти Боку байрам тусида безатилиб, яқирамоқда. Қизил алвонларга Озарбайжонда Совет ҳокимияти ғалабасининг 40 йиллигига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига табрик сўзлари ёзилган. Биноларнинг пештоқларида В. И. Ленининг ҳамда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларининг портретлари қўйилган. Ҳамма парса катта воқеани, ажойиб тантанани эслатмоқда. Кўп миллатли Совет Иттифоқининг қардош халқлари бу тантаналарга биргаликда хурсанд бўлмоқдалар. Барча иттифоқчи республикаларнинг вакиллари шонли юбилей арафасида бу ерга, Бокуга келдилар.

Бугун озарбайжонликларнинг хурсандлигига яна бир алоҳида хурсандлик қўшилди. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчев озарбайжонликлар байрамида қатнашмоқ учун келди.

Озарбайжон меҳнаткашлари азиз меҳмонни ғоят самимият ва хурсандлик билан кутиб олдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев тушган поезд эрта саҳарда республика чегарасидан ўтганида минглаб кишилар темир йўл станцияларига чиқадилар. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун толмас курашчи Н. С. Хрушчевни ва у орқали улуғ Коммунистик партияни, партиянинг ленинчи Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини табрикладилар.

Поезд республиканинг иккинчи саноат ва маданий маркази Кировободда бир неча минут тўхтади. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик илғорлари, фан ва маданият арбоблари Н. С. Хрушчевни шоду ҳуррамлик хитоблари билан кутиб олдилар. Н. С. Хрушчев кутиб олиш учун чиққан одамлар орасида вагонга яқинроқ келишга зўр бериб интилаётган бир болани кўриб қолди. Бу учинчи синф ўқувчиси Низомий Козимов эди. Никита Сергеевич кировободлик бу болани чақириб олиб, маҳкам қучоқлади. Озарбайжон меҳнаткашлари поезд ўтаётган бутун йўл давомида азиз меҳмонни ғоят самимият ва хурсандлик билан табрикладилар.

Боку меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари куннинг иккинчи ярмида вокзалда тўпланишди. Перронда Совет Иттифоқининг, Озарбайжон ССРнинг, барча иттифоқчи республикаларнинг давлат байроқлари ҳилпирамоқда эди.

Транспарантлардан бирида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Совет Озарбайжонининг 40 йиллиги кунида оғамиз рус халқига ва улуғ Совет Иттифоқининг ҳамма халқларига алангали салом!»

Бир қизил алвонга «Хуш келибсиз, азиз Никита Сергеевич!» деган сўзлар ёзилган.

Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг раиси С. М. Жаъфаров, Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретарлари В. Е. Семичастний, Э. Н. Алихонов, С. А. Мирзоев, Н. М. Хожиев, Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Н. Содиқов, А. К. Ўружев, А. Г. Керимов, Озарбайжон Компартияси Боку комитетининг биринчи секретари Т. А. Аллахвердиев, Боку шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. Д. Лемберанский, Озарбайжон ССР министрлари, СССР ва Озарбайжон ССР Олий Советларининг депутатлари Н. С. Хрушчевни кутиб олиш учун келдилар.

Кутиб олувчилар орасида қардош республикалар делегацияларини н г бошлиқлари: Россия Федерациясидан — Н. Н. Органов, Украина ССРдан — Д. С. Коротченко, Белоруссиядан — В. И. Козлов, Ўзбекистондан — Ш. Р. Рашидов, Қозоғистондан — А. З. Закарин, Литвадан — Л. Ю. Диржинскайте-Пилюшенко, Молдавиядан—З. Т. Сердюк, Қирғизистондан—Т. Усубалиев, Тожикистондан — Т. Ўлжабоев, Арманистондан — С. А. Товмасян, Туркманистондан — Б. Авезовлар бор эди.

Поезд перронга келиб тўхтайди. Никита Сергеевич Хрушчев вагондан чиқади. У чиқиши билан гулдурос қарсаклар янграйди.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов ва Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раиси М. А. Искандеров Н. С. Хрушчевни йўлда кутиб олиб, у билан бирга келдилар. Шунингдек Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе ҳам Н. С. Хрушчев билан бирга келди.

Н. С. Хрушчев кутиб олиш учун келган кишилар билан дўстона қўл беришиб кўришади.

Миллий кийимлар кийган бир тўда қизлар гулдасталар кўтариб турибди. Музика мактаби ўнинчи синфининг ўқувчиси Анела Бабаева ўртоқ Хрушчевга мурожаат қилиб қисқа нутқ сўзлайди.

— Азиз Никита Сергеевич!, — дейди у, — Сиз, энг азиз ва ҳурматли меҳмонни Озарбайжонимиз тупроғида табриклаётганимиз учун бахтиёрмиз. Халқимизнинг одатига кўра, Сиздан миннатдор озарбайжон халқи тақдим этган бир пиёла шарбатни ичишингизни илтимос қиламиз.

Н. С. Хрушчев бу хушбўй миллий ичимликни шимириб, қизларга ташаккур айтади.

Сўнгра меҳмон вокзал олдидаги майдонга чиқади. У майдонда тўпланган жуда кўп шаҳар аҳолисини қўл билан ишора қилиб табриклайди. Яна қарсаклар гувуллайди, «Ура» садолари янграйди.

Никита Сергеевич, Озарбайжон Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари автомашиналарга ўтирадилар. Автомашиналар юз минглаб бокуликлар билан лиқ тўлган кўчалар ва проспектлардан ўтиб бораётганида халойиқ азиз меҳмонни хурсанд бўлиб табриклаб турди. Азиз меҳмонни кутиб олиш халқнинг Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига бўлган қизғин муҳаббати ва садоқатининг тўлқинлантирувчи намойишига айланди.

* * *

Кечқурун ўртоқ Н. С. Хрушчев Қора Қораевнинг М. Ф. Охундов номидаги Ленин орденли Озарбайжон давлат академик опера ва балет театридаги «Етти гўзал» балети спектаклида ҳозир бўлди.

Н. С. Хрушчев ҳамда Озарбайжон Коммунистик партияси ва ҳукумати раҳбарлари ложага кириб келишлари билан тамошабинлар уларни гулдурос овация билан кутиб олдилар.

ОЗАРБАЙЖОН ОЛИЙ СОВЕТИ ВА КОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

БОКУ, 25 апрель. (ТАСС). Бу ерда Озарбайжон Олий Совети ва республика Компартияси Марказий Комитетининг Озарбайжонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилганига ва Озарбайжон Компартиясининг тузилганига қирқ йил тўлишига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Тантанали мажлисда СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия, Литва, Эстония ва бошқа совет республикаларининг делегациялари, Компартияни тузиш ва Озарбайжонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун актив курашган кекса большевиклар қатнашдилар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. Охундов доклад қилди.

Тантанали мажлис қатнашчилари Никита Сергеевич Хрушчевнинг катта нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

Қардош иттифоқчи республикаларнинг вакиллари ўз нутқларида Озарбайжон халқига самимий табрик ва истаклар билдирдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

Бокуда „Халқлар дўстлиги“ монументининг пойдевори қурилди

БОКУ, 24 апрель. (ТАСС). Бугун Совет Озарбайжонининг 40 йиллиги арафасида денгиз бўйидаги парк майдонида тантанали вазиятда «Халқлар дўстлиги» монументининг пойдевори қурилди. Майдонда минглаб бокуликларнинг иштирокида ўтган митинг совет кишилари қардошларча бирлигининг ёрқин кучли намойишига айланди.

Монумент пойдеворини қуришда юбилей тантаналарида қатнашиш учун Озарбайжонга келган совет республикаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Митингни Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Семичастний очди.

— Шу мармар оталаримиз бизга берган дўстлик ва интернационализмнинг буюк ҳиссиётини абадийлаштираверсин. Бу ҳиссиёт бизнинг кучимизга куч қўшиб, коммунизм қуришда бизга ёрдам бермоқда, — деди митингда нутқ сўзлаган «Сталиннефть» 7-конининг мудири М. Аҳмедов.

Митингда шоир Сулаймон Рустам, дейтенант Шмидт номидаги заводнинг токари К. Андриасов, 175-мактабнинг директори В. Озеров, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. М. Жаъфаров ўртоқлар тўлқинлантирувчи нутқ сўзладилар.

Қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари — Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг раиси И. Н. Органов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Арманистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Товмасян ўртоқлар ленинча шонли интернационал традициялари шаҳри — Боку меҳнаткашларига қарата самимий табрик нутқлари сўзладилар.

Мармар тошдан оқ парда олинади... Тошга «Озарбайжон халқи ва Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг абадий бузилмас дўстлигини нишонлаш юзасидан бу ерда «Халқлар дўстлиги» монументи ўрнатилади» деган сўзлар равшан ёзиб қўйилган.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Н. В. МАРТИНОВНИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ва хўжалик қурилиши соҳасидаги хизматлари учун Тошкент иқтисодий маъмурий райони халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ Николай Васильевич **Мартинов Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРҒАДЗЕ.

Москва, Кремль
1960 йил 25 апрель.

Москва. Қизил майдон.

Н. Крановский фотоси, (ТАСС фотохроникаси).



Боку. Собир номли сквер ва Низомий майдони.

Н. Игнатьев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КУРАШ ВА ҒАЛАБАЛАРНИНГ ШОНЛИ ЙЎЛИ

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ М. А. ИСКАНДЕРОВ билан суҳбат

Қадимий Озарбайжон ерига биринчи совет баҳори келган ва озарбайжон халқининг йилномасига унинг тарихида янги давр бошланганлигини нишонловчи ажойиб саҳифа ёзилган кундан бери қирқ йил ўтди.

Озарбайжонда Совет ҳокимияти Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида ўрнатилди. Совет ҳокимиятининг ғалабаси Россия ва Озарбайжондаги революцион ҳаракат давомида тайёрланди. Улуғ Ленин Боку пролетариатининг революцион ҳаракати бешигини тебратди, Озарбайжон большевистик ташкилотининг энг бошида турди. Республиканинг юбилейи билан бир вақтда ўзининг қирқ йиллигини нишонлайдиган Озарбайжон Коммунистик партияси шонли Ленин партиясининг энг кекса ва синалган отрядларидан биридир.

Озарбайжон большевистик ташкилотлари Россиядаги уч революциянинг сиёсий мактабидан ўтдилар, улар чор самодержавиесига, капиталистларга, бек ва ҳонларга қарши, мусоватчилар режимига ва чет эл интервенциясига қарши курашда ғоят катта революцион тажриба тўпладилар.

Партиянинг чақириғи билан, унинг раҳбарлигида Озарбайжоннинг ишчи ва меҳнаткаш деҳқонлари қўлларига қурол олиб, улуғ рус халқининг ёрдами билан, эксплуататорларнинг манфур зулмини агдариб ташладилар ҳамда Советлар ҳокимиятини барпо этдилар. 1920 йил 28 апрелда Озарбайжонда голибона Қизил байроқ, Улуғ Октябрь байроғи ўрнатилди.

В. И. Ленин Озарбайжонда Совет ҳокимиятининг ғалабасини чин кўнгилдан ва қизғин табриклади. У Озарбайжон республикасининг социалистик ҳукумати номига 1920 йил 5 майда юборган телеграммасида бундай деб ёзди:

«Халқ Комиссарлари Совети мустақил Озарбайжон республикаси меҳнаткашлар оммасининг озод қилинганлигини табриклайди ва мустақил Озарбайжон республикаси ўз Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида РСФСР билан биргалашиб, ўз озодлиги ва мустақиллигини Шарқдаги эзилган халқларнинг ашаддий душмани бўлган империализм омон сақлаб қолади деб қаттиқ ишонч билдиради.

Яшасин мустақил Совет Озарбайжон Республикаси!

Яшасин Озарбайжон ишчилари ва деҳқонлари!

Яшасин Озарбайжон ва Россия ишчи-деҳқонларининг иттифоқи!».

Ильичнинг башорат қилиб айтган сўзлари рўёбга чиқди. Озарбайжон ва Россия ишчилари ҳамда деҳқонларининг иттифоқи қудратли, бузилмас иттифоқ бўлиб қолди, Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар қардошлик оиласида яшамоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча миллий сиёсати, уларнинг эътибори ва ғамхўрлиги, улуғ рус халқининг ва СССР даги ҳамма халқларнинг бегараз ёрдами туфайли ҳамда республика ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларининг фидокорона меҳнати натижасида Озарбайжон чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан илғор индустрия, кучли қишлоқ хўжалиги ва равнақ топган рангба-ранг миллий социалистик маданиятга эга бўлган мамлакатга айланди.

Совет ҳокимияти йилларида Озарбайжон саноати маҳсулот ишлаб чиқаришни 35,8 баравар кўпайтирди. Аммо гап миқдор кўрсаткичларидагина эмас. Республиканинг индустриал қиёфасида принципиал сифат ўзгаришлари рўй берди. Озарбайжон азалдан бери ўзининг нефти билан машҳур бўлиб келди. Революцияга қадар Озарбайжонда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидан 68 процентини нефть ташкил этган эди. Эндиликда эса нефть чиқариш ва нефтни қайта ишлаш саноатининг маҳсулоти индустриямиз ишлаб чиқараётган бутун маҳсулотнинг 25 процентидан сал кўпроқ қисмини ташкил этмоқда.

Партия ва ҳукумат Озарбайжон халқ хўжалигининг негизини ташкил этиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолаётган нефть саноатини ривожлантира бориб, республика меҳнаткашларининг куч-ғайратини индустриянинг янги тармоқларини вужудга келтиришга қаратдилар. Совет ҳокимияти йилларида ва айниқса кейинги даврда Озарбайжонда кон-руда саноати, қора ва рангли металлургия, кимё саноати, машинасозлик, бинокорлик материаллари саноати, тикувчилик, пойафзал, консерва саноати ҳамда оғир ва енгил индустриянинг бошқа кўпгина тармоқлари вужудга келди ва ривожланди.

Совет ҳокимияти йилларида Озарбайжонда нефть чиқариш 6 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда нефть саноатини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шу бўлдики, нефтнинг доимий йўлдоши бўлган табиий газ чиқариш кескин суратда кўпайтирилди. 1959 йилда табиий газ 1913 йилдагига нисбатан 170 баравар кўпроқ чиқарилди. Грузия ва Арманистон пойтахтларида Озарбайжон газининг ёниб турганлиги Закавказье халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлигини исботловчи янги ёрқин далилдир.

Лекин Озарбайжон нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб беруvчи катта район бўлибгина қолмай, шу билан бирга нефть ускуналари, аппаратлари, электр двигателлари ва бошқа машиналар ҳамда механизмлар ишлаб чиқариш жиҳатидан СССРдаги етакчи марказлардан биридир. Республикада машинасозлик ва металл маҳсулотлар ҳажми 1913 йилдагига нисбатан 124 баравар кўпайди. Республика металлургия саноатининг тўнғичи — Озарбайжон трубопрокат заводи ишлаб чиқараётган «АТЗ» маркали пўлат трубалар республикада ва унинг ташқарисида ҳам яхши маълум. Аммо, Сумгаит синтетик каучук заводини энг машҳур корхона дейиш мумкин. Бу завод мамлакатимизда биринчи бўлиб нефть газидан каучук ҳосил қила бошлади.

Колхоз ва совхоз далаларидан етказиб бериладиган хомашёнинг деярлик ҳаммаси республиканинг енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида қайта ишланмоқда. Булар орасида — пахта тозалаш заводлари, пахта тозалаш — ёғ-мой комбинати, тўқимачилик, трикотаж, кўнчилик, пойафзал, гўшт, консерва, чой, винопазлик корхоналари ва бошқа заводлар бор. Натижада енгил саноатнинг ялпи маҳсулоти 1959 йилда 1913 йилдагига нисбатан 71 баравар кўпайди, озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни анча оширдилар.

Озарбайжон Совет Иттифоқининг йирик саноат маркази бўлибгина қолмай, шу билан бирга унинг қишлоқ хўжалиги ҳам шундай бўлиб, республика қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти совет ҳокимияти йилларида бир неча баравар кўпайди. Республика далаларида биринчи трактор 1924 йилда пайдо бўлган эди. Эндиликда бизда ўн минглаб тракторлар, комбайнлар, юк автомашиналари, трактор плуглари, культиваторлар, дон ва пахта сеялкалари, пахта териш машиналари ва бошқа техника бор. Бундан атиги қирқ йил муқаддам машинанинг нима эканлигини билмаган Озарбайжон қишлоқларида эндиликда ҳамма ишларнинг 98,3 процента машиналар ёрдами билан бажарилмоқда.

Барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги 1913 йилдагига нисбатан кескин суратда ўсди: республикада етакчи экин бўлган пахта ҳосилдорлиги беш ярим баравар, дон экинлари ҳосилдорлиги бир ярим баравар, тамаки ҳосилдорлиги тўққиз баравар ошди.

Озарбайжон бутун мамлакат миқёсида кўпгина қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда кўринарли ўрин тутмоқда. Озарбайжон ССР — Совет Иттифоқида пахтачиликнинг муҳим районларидан биридир, мева, узум, пилла, зайтун меваси етиштирувчи асосий районлардан биридир. Озарбайжоннинг чорвачилик хўжалиги Совет Иттифоқида энг йирик хўжаликлардан биридир. Чорва моллар сони йил сайин кўпаймоқда, чорвачилик маҳсулдорлиги ошиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг тарихий сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейин республика қишлоқ хўжалигида айниқса катта ўзгаришлар рўй берди. Кейинги олти йил ичида республиканинг колхоз ва совхозлари дон етиштиришни 87 процент, кўк чой барги етиштиришни икки баравардан зиёд, тамаки ва сабзавот етиштиришни карийб икки баравар кўпайтирдилар. Гўшт ва жун етиштириш 1953 йилдагига нисбатан бир ярим баравар, сут ва тухум етиштириш эса тахминан икки баравар кўпайди.

Озарбайжон халқини ўз мамлакатидаги ҳамма моддий бойликларнинг хўжайини қилиб қўйган Октябрь революцияси, Совет ҳокимияти унга ҳар томонлама маънавий ривожланиш учун кенг имкониятлар очиб бердилар. Озарбайжон халқи илғор улуғ рус маданияти ҳазинасидан, бутун жаҳон маданияти бойликларидан баҳраманд бўлди.

Ўтмишда аҳолисининг 90 процента саводсиз бўлган Озарбайжонда маданий революция — Совет ҳокимиятининг энг катта ғалабасидир. Шу ўқув йилида Озарбайжонда 830 минг киши ўқишнинг ҳамма турларига тортилган. Бу демак, республикада қарийб ҳар тўрт кишининг биттаси ўқимоқда. Умумий таълим мактабларидаги ўқувчиларнинг сони 1914 — 1915 ўқув йилидагига нисбатан 9,4 баравар, озарбайжонлик ўқувчи қизлар сони эса 90 баравар кўпайди! Ҳозирги вақтда Озарбайжон ССР мактабларидаги ўқувчилар сони Эрон ва Туркиядаги ҳамма мактабларда ўқувчиларни бирга қўшиб ҳисоблаганда, улардан кўпроқдир. Ваҳоланки, бу мамлакатлардаги аҳоли сони Совет Озарбайжонидаги аҳоли сонидан бир неча баравар зиёддир.

Совет ҳокимияти республика меҳнаткашларига олий таълим учун кенг йўл очиб берди. Революцияга қадар Озарбайжонда бирорта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, ҳозир эса 12 олий ўқув юрти ишлаб турибди ва уларда 34,6 минг студент ўқимоқда, 67 ўрта махсус ўқув юртларида эса 25 мингдан кўпроқ йигит ва қизлар билим олмоқда.

Революцияга қадар жуда кам бўлган Озарбайжон зиёлилари намояндалари илмий иш олиб бориш имконияти ҳақида фақат орзу қилиб келган эдилар, чунки Озарбайжонда бирорта илмий-тадқиқот муассасаси йўқ эди. Эндиликда, республикада илмий фикрнинг чинакам маркази бўлиб қолган Фанлар академияси бошчилигида 90 та ана шундай муассаса бор. 1958 йилда Озарбайжон ССР Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ташкил қилинди.

Озарбайжон адабиёти ва санъати барқ уриб ривожланди. Ёзувчиларимиз, композиторларимиз, рассомларимиз, театр арбоблари, кинематография ходимлари самарали иш олиб бормоқдалар. Кўпгина озарбайжонлик авторларнинг асарларига бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки мамлакатимиздан ташқарида ҳам юксак баҳо берилди.

Озарбайжон меҳнаткашларининг ютуқлари катта ва шубҳасиздир. Аммо республиканинг муваффақиятлари қанчалик катта бўлса ҳам, у етти йилликда тараққиётнинг янада ажойиб истиқболларига эга. «Бизнинг планларимизда, деди ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида, — барча халқлар экономикаси ва маданиятининг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар таъминлаб бераётган ленинча миллий сиёсат ёрқин ифода этилган». Озарбайжон ССРнинг етти йиллик плани буни яққол исботлайди.

Саноат ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми тахминан 90 процент ўсади. 1965 йилда нефть чиқариш 22 миллион тоннагача, газ чиқариш эса 11,6 миллиард кубометрга етказилиши лозим. Электр энергия ишлаб чиқариш етти йиллик мобайнида тахминан икки баравар кўпайтирилади. Пўлат, прокат, пўлат трубалар янада кўпроқ ишлаб чиқарилади. Темир руда қазиб чиқариш, алюминий чиқариш икки баравар кўпайтирилади.

Республиканинг қишлоқ хўжалиги олдида ҳам улуғвор вазифалар турибди. 1965 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 600 минг тоннани ташкил қилиши, яъни 1958 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайиши лозим. Дон, тамаки, мева, узум, сабзавот, чой ҳамма турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш вазифаси олдимизда турибди.

Етти йил мобайнида қарийб 10 миллион квадрат метр уй-жойлар қуриш мўлжалланган, бу эса бундан олдинги етти йил ичида фойдаланишга топширилган уй-жойлардан уч баравар кўпроқдир.

Озарбайжон меҳнаткашлари республиканинг 40 йиллигини нишонлаганлари ҳолда, Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига ўзларининг қадрдон қардошлари — СССР халқларига ва аввало, улуғ рус халқига чин қалбдан қизғин ташаккур изҳор қиладилар ҳамда коммунизм тантанаси учун бутун куч ва билимларини сарф қилишга ваъда берадилар. (ЎзТАГ).

БАҒИШЛОВ

Расул РИЗО.

(«ЛЕНИН» ПОЭМАСИДАН)

Ҳар юлдузнинг ўрни бор
каҳкашонлар ичида.
Ҳар дарёдан сув бордир
кўк уммонлар ичида.
Ҳар ботир ардоқлидир
мард инсонлар ичида.
Илк қаторда тик турган
қаҳрамонлар ичида —
Рус халқига шарафлар!
Инсон учун ғам чекиб,
Асрий умр суролган,
Кенг саҳролар қўйнида
не шаҳарлар қуролган,
Пўртаналар ўнгида
қоя каби туролган,
Улуғ тинчлик байроғин
тик кўтариб юролган —
Рус халқига шарафлар!
Озодликни қўриқлаб
ҳар ёвуздан, ваҳшдан,
Тенглик, дўстлик сўзини
тарихларга нақш этган,
Бахт йўлини очолган
янги тарих бошидан
Ленин каби доҳийни
инсонликка бахш этган —
Рус халқига шарафлар!

Озарбайжончадан МИРТЕМИР таржимаси.

1 МАЙ шарафига Меҳнат совғалари

ЭКСКАВАТОРСОЗЛАР ВАХТАДА

Тошкент экскаватор заводининг ишчилари шу кунларда айниқса зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

— Бизнинг коллективимиз, — дейди корхонанинг бош инженери В. Покровский, — Биринчи май байрамини кўпгина техника янгиликлари билан кутиб олмоқда. Яқинда биз гусеницалар бўғинларини пайванд қилиш учун завод мутахассисларининг дойиҳасига мувофиқ монтаж қилинган конвейерни ишга туширдик. Эндиликда тўрт пайвандчи бир смена давомида эски усул билан ишлаган вақтдагига нисбатан икки баравар кўп детални йиғишга тайёр қилиб бера олади.

Меҳнаткашларнинг халқаро байрамига заводда яна бир техника янгилиги тайёрланмоқда — қуйилмаларни дробь ёрдами билан тозалаш усули жорий қилинмоқда. Кишиларнинг иштирокидан бошқа оғир деталлар конвейер бўйича махсус камерага келтирилади ва бу ерда пўлат дробь ёрдами билан тозаланади.

Корхонанинг бошқа цехларида ҳам меҳнат ғайрати ғоят ўсди. Масалан, қуювчилар термик участкани реконструкциялаш тугалланганлиги ҳақида рапорт бердилар. Участканинг иш унумдорлиги йилига 430 тонна ошди. Механика цехида бир қанча техника янгиликлари жорий қилинди. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ СОВНАРХОЗИ 4 ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ

Иваново иқтисодий райони меҳнаткашлари билан мусобақалашиб ишлаётган ва умумхалқ байрами — 1 Майни муносиб нишонлаш учун курашаётган Тошкент совнархози саноат корхоналарининг коллективлари катта ғалабага эришдилар. Улар 25 апрелда 4 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг муҳим турларини тайёрлаш планини муваффақиятли адо этдилар. Прокат, кўмир, минерал ўғитлар тайёрлаш, электр қуввати ҳосил қилиш, пахта териш машиналари, сеялкалар, цемент, газмол, пойафзал ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириғи шараф билан бажарилди. Ой охиригача пландагидан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти олинди.

Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 18 процент, меҳнат унумдорлиги 13,8 процент ошди.

Бекободдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи, Чирчиқ электр кимё комбинати коллективлари, Оҳангарон кончилари, «Ташсельмаш» машинасозлари, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси ва қоғоз комбинати ишчилари айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Жадал усулда

Янгийўл шаҳарида етти йилликнинг гигант объектларидан бири — ёғ-экспеллер заводи қад кўтармоқда. 93- трест энергомонтаж бошқармаси ҳамда «Узгидроэнергострой» трести қурилиш-монтаж бошқармасининг азамат бинокорлари заводни шу йилнинг учинчи кварталида ишга тушириш учун қурилиш ишларини жадал усулда олиб бормоқдалар.

Биринчи квартал топшириғини 101 процент қилиб якунлаган бинокорлар майдон социалистик мусобақасини янада авж олдириб юбордилар.

С. УСМОНОВ.

Кончиларнинг янги ғалабаси

ОҲАНГАРОН, 25 апрель. (ЎзТАГ). Ўзбекистон кочегаркасининг кончилари майдон социалистик мусобақасини меҳнат соҳасидаги янги муваффақият билан нишонладилар. «Ўзбекуголь» комбинати кўмир қазиб чиқариш тўрт ойлик планини муддатидан олдин бажарди.

Кўмир разрезининг коллективи яхши ишламоқда. Бу коллектив пландан ташқари 60 минг тонна кўмир қазиб чиқарди.

ЯНА 3 МИЛЛИОН СЎМЛИК

«Ўзпромсантехмонтаж» трести коллективи тўрт ойлик топшириқни муддатидан олдин — 21 апрелда 109,9 процент бажарди.

Монтажчилар 1-кварталда бинокорлик асбоб-ускуналаридан рационал фойдаланиш, материалларни тежаб-тергаб сарфлаш туфайли давлатнинг 2 миллион 939 минг сўм маблағини тежаб қолдилар. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 2,5 процент ошди.

Тошкент область монтаж бошқармаси ва 532-УНР коллективлари иккита труба тайёрланадиган конвейерни ишга туширдилар. Натижада трубалар тайёрлаш учун сарфланаётган вақт 20-25 процент камайиб, аввалгига қараганда анча кўп маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти туғилди.

КПСС Марказий Комитети майдон Чақириқларидан руҳланиб умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш учун курашаётган монтажчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб улуғ айёмгача қўшимча равишда яна 3 миллион сўмлик иш бажариш мажбуриятини олдилар.

С. РАСУЛОВ.

Собиқ денгизчи, «Ташавтомаш» заводининг илғор электр пайвандчиси Виктор Панченко умумхалқ байрами шарафига корхона коллективи тайёрлаётган совғага ўз ҳиссасини қўшиш учун астойдил меҳнат қилаётир. У смена топшириқларини доимо ошириб бажармоқда. Суратда: ўртоқ В. Панченко.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

НЕЧУН БАХТИНГНИ ТАРК ЭТДИНГ, ХОТИРА?

Али ОҒДОШЛИ

ҲИКОЯ

Мен ҳар гал бу учқур ва роҳатбахш автобусга тушганимда ўзимни худди «ТУ—104» самолётида кетаётгандай ҳис қилардим. Ҳозир ҳам автобуснинг юмшоқ креслосига ўтириб, деразадан қараб кетяпман. Кўз ўнгимдан бепоён далалар лип-лип ўтиб турибди. Яна самолётда кетаётгандекман. Қуёшнинг ола-чалпоқ нурлари далалар устида. Мен осмонга тикилдим. Паға-паға оқ булутлар офтоб нурлари билан қувалашиб ўйнаётгандек.

Автобус навбатдаги остановкага келиб тўхтаганда, ҳаёлим бўлинди. Ёнимдаги бўш жойга ким чиқиб ўтирар экан, деб ўйлардим. Шофер йўловчиларнинг билетини текширмоқда. Ёшгина бир аёл қўлидаги чемоданини ерга қўйиб, ёнидан билетини олиб кўрсатди ва ичкарига кирди. Мен уни кўрган заҳотиёқ танидим. У Хотирахон эди. Биз у билан ўрта мактабни бирга тугатганмиз. Университетда ҳам бироз вақт бирга ўқиган эдик. У пайтларда Хотирахонни Муслим деган бир йигит ниҳоятда севарди. Йигит Тошкентдаги тўқимачилик комбинатида ишларди. У анча келишган, ақлли, Хотирахонга мос йигит эди. Агар улар кўчада бирга юргудек бўлиб қолсалар. одамлар уларга ҳавас билан қарарди. Хотиранинг ёноқлари оппоқ бўлиб, йигитнинг юзларида эса онда-сонда сепкили бор эди. Бу, йигитнинг ҳуснига ҳуси қўшиб турарди. Муслимнинг университетга келиб биз билан бир неча марта кино ва театрга борганлари ҳали-ҳали эсимда.

Бир куни биз Навоий номидаги опера ва балет театри томон боратуриб, яшил саҳлаб остида бир нафас тўхтадик. Товусдек товланиб фонтан шовулайди. Ерга ёзилган гиламдек гуллар, чечаклар хил-хил товланади. Ҳаммаёқда севинч қаҳ-қаҳалари... Она шаҳримиз чиройига мафтун бўлиб, бизни оғушига олган, юракда бир олам севинч ва баҳор ҳиссини уйғотган гўзал майдонни кезар эканмиз, «Халқимизнинг ҳаёти нақадар сермазмун-а» деган фикр кўнгилдан ўтарди.

У вақтларда мен Хотиранинг топган бахтига ҳавас билан қарардим. «Эҳ, бу нақадар бахтли-я» дер эдим.

Учинчи курсни битиргач, Хотира ўқишни ташлади. Бир одамдан унинг турмуш қурганини эшитдим. Шундан сўнг кўп вақт мен уни кўрмадим.

Бир куни Хотирани Ҳамза номидаги театрда учратиб қолдим. Уни чиройли, яхши кийинган бир йигит қўлтиқлаб олган эди. Ёнатрофдаги одамларнинг кўзи Хотира билан ўша йигитда. «Бу ким бўлди?» деб ўйладим ичимда ва Хотирага қарадим. Йигит ўзини билмаганга солиб, бошқа ёққа қарарди. Кийган костюми ўзига мослаб тикилган. Қиз эса илгаригидан анча тўлишган кўринарди. Қулоқларидаги исирғалари кўзни қамаштиргудек ялтирайди. Бармоқларидаги ёқут кўзли узукларини мақташга ожизман. Оёғида ихчамгина (кўринишдан уни тошкентлик косиблардан бири тикган) оқ рангли туфли.

Мен Хотира билан сўзлашиш учун қулай имконият изладим. Тамоша тугагач, бояги йигит гардероб томонга кетди. Хотиранинг олдига бордим. Саломлашдик. Бироздан сўнг сўрадим.

— Ёнингдаги йигит ким?

— Эрим бўлади!

— Муслим-чи...

Сўзимни тугатмасданоқ гапира кетди:

— Муслимни мен кўпдан... — яна нималардир демоқчи бўлди. Кейин ҳеч нарса деолмади. Атрофга қаради.

Шундан кейин Хотирани кўрганим йўқ. Ҳозир эса уни ёнимда кўриб жуда таажжубландим.

— Салом, Хотирахон, — деб мен уни ёнимга таклиф этдим. У яқинлашиб менга қўл узатди ва бўш жойга келиб ўтирди.

— Сенга нима бўлди, нега кўпдан бери кўринмайсан? Қаерларда юрибсан? — деб унга бошдан-оёқ назар солдим.

У жуда ўзгарган. Ёшлик пайтига сира-сира ўхшамасди. Юзларига доғ тушиб кетибди, кўзлари киртайиб қолган. Ёнингдаги бирозгина қулдиргичи унинг илгариги гўзаллигидан дарак бериб турарди. Сочларини қирқиб калта қилибди. Эгнидаги костюми янги бўлмасада, тоза, ўзига ярашиб турарди.

У, кўксини тўлдириб чуқур нафас олди. Қошларини чимирганида пешонасида қўлнинг мавжига ўхшаш уч-тўртта ажин пайдо бўлди. Бироз ҳим тургандан сўнг:

— Тўрт йилдан бери Тошкентда яшайман. Кўп ишлар бўлиб ўтди, — деди менинг усти-бошимга тикилиб, — сенда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Аввал қандай бўлсанг, худди ўшандайсан Мунира...

Орага жимлик чўкди. Автобус йўлида давом этарди. Тошкентга етиш учун яна уч соат юриш керак. Мен жимликни бузиб:

— Қаёқда эдинг? — дедим.

У яна бир «уҳ» чекди ва мендан сўради:

— Ҳамза театрида бир йигит билан кўрганинг эсингдами?

Мен бошимни силкиб «ҳа» деган ишорани қилдим.

У тўхталиб-тўхталиб сўзларди:

— Мен у билан Кисловодсқда танишдим. Ўша йили ёзда онам билан дам олардик. Бир неча марта учрашувдан сўнг йигит менга жуда ёқиб қолди. У билан тез-тез кўришиб турдик. Исми Карим эди. Ўзи Тошкентда яхши жиҳозланган уйда яшарди. Хизмат жойи катта универсал магазинида бўлиб, уй жиҳозлари ҳам жуда яхши эди. Мен ўша нарсаларга маҳлиё бўлдим. У билан бирга шоҳона яшашга қизиқдим. Тошкентга қайтганимдан 20 кун кейин Каримга турмушга чиқдим. Бунга онам эътироз билдирса ҳам қулоқ солмадим. Онамга кўпроқ Муслим ёқар эди. Уни ўз ўғлидек кўрарди. «Уҳ, нега ўша пайтда онажонимнинг гапларига қулоқ солмадим-а» — даштрўмолини олиб, ёғонига томган кўз ёшларини артди Хотира:

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Суратда: Мусобақадош Иваново шҳтисодий районндаги Воронцов номли фабриканинг коммунистик меҳнат зарбдори ўртоқ В. Смирнова (чапдан иккинчи) слёт қатнашчиларига ўз иш тажрибаларини сўзлаб бермоқда.

КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг биринчи область слётидан

Илгари хабар берилганидек, 23 апрелда Тошкентдаги тўқимачилар Маданият саройида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг биринчи область слёти бўлиб ўтди. Залга ишлаб чиқариш новаторлари, рационализатор ва ихтирочилар, коммунистик меҳнат бригадаларининг бошлиқлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари, корхоналар, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари йиғилган эди.

Ишлаб чиқариш илғорларининг бу йиғилишига мусобақадошимиз ивановоликларнинг Воронцов номли фабрика коммунистик меҳнат зарбдори В. Смирнова, «Красная талька» фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Н. Рассомахина ва бинокорлар область касаба союзи комитетининг раиси Г. Юдин ўртоқлардан иборат делегацияси ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов «КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга оширишда коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг авангардлик роли тўғрисида» доклад қилди.

— Бутун совет кишилари каби областимиз меҳнаткашлари ҳам, — деди докладчи, — КПСС XXI съезди белгилаб берган мамлакатимизни ривожлантиришнинг улуғвор етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Етти йилликнинг биринчи йили топшириғи, шунингдек 1960 йилнинг I квартал плани муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Бунда мусобақа байроғини баланд кўтариб бораётган, қийинчиликлардан қўрқмай, уларни сабот билан енгиб, янгиликларни дадиллик билан жорий қилаётган, коммунистик жамият кишиларига хос хислатларга эга бўлган коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорларининг ҳиссаси каттадир.

Партиямиз новаторларни келажак разведкачилари деб атади. КПСС Марказий Комитети янгиликларни ҳаммавақт қўллаб-қувватлаб келмоқда ва уларни кенг ёйиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрмоқда. Социалистик мусобақанинг ҳозирги давридаги ўзига хос хусусияти шундаки, бунда мусобақа илғорлари фақат ишлаб чиқаришда эмас, балки шу билан бирга ўқишда ҳам, юриш-туришда ҳам барчага намуна кўрсатиши керак.

Ҳозирги пайтда областимиз да 2500 га яқин бригада ана шу юксак номни олиш учун курашмоқда. 350 бригада эса ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси Пидинова, «Ўзбексельмаш» заводининг ишчиси Ермошкин ўртоқлар областимизда биринчи бўлиб Москва-Сортировочное депосининг коллективи ташаббусига эргашди. Эндиликда уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Бу янги ватанпарварлик ҳаракати областимиз совхоз, колхоз ва ремонт-техника станцияларида ҳам кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги пайтда 400 бригада ва 700 дан ортиқ ишчи коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори деган шарафли номни олиш учун курашмоқда. 43 бригада ва 86 ишчига бу юксак ном берилди.

Ажойиб пахта устаси, 1- «Боёвут» совхози комплекс бригада бошлиғи Тилов Абдалиев Валентина Гаганованинг изидан бориб, илгари қолоқ ҳисобланиб келган учта бригадани бирлаштирди. Ўтган йили бу бригада ғўзани кетмонсиз ишлади. Натижада ҳар гектар ердан 36 центнердан зиёдроқ ҳосил йиғиб олинди. Пахтанинг ярмидан кўпи машинада териб олинди ва шу йўл билан 65 минг сўм тежаб қолинди. Ҳар центнер пахтанинг таннархи пландаги 125 сўм ўрнига 92 сўмга тушди. Худди шунингдек, 4- «Боёвут» совхозининг машҳур механизатори Насиб Бекиров, 1- «Боёвут» совхозининг бригада бошлиғи Шарофат Бозорова ва бошқа кўпгина ўртоқлар ҳам коммунистчасига ишлаш ва яшашнинг ажойиб намуналарини кўрсатмоқдалар.

Слётда шу нарса ҳам кўрсатиб ўтилдики, айрим корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг бу янги формасини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва уни бутун коллектив ўртасида кенг ёйишга етарли эътибор бермаётирлар. Масалан, Тошкент ремонт-экскаватор станциясида 33 бригада коммунистик меҳнат коллективи деган номни олиш учун курашмоқда. Лекин ҳозиргача бу бригадалардан бironтасига ҳам шарафли ном берилмаган. Бу юксак номга лойиқ бригадалар йўқ дейсизми. Бор, албатта. Гап шундаки, корхона жамоатчилиги бу муҳим ишни ўз диққат-эътиборидан четда қолдирган. Шунингдек, «Радиодеталь», лак-бўёқ, карборунд, заводлари, Янгийўлдаги 28-автобаза ва бошқа корхоналарда ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Иқтисодий районимиз меҳнаткашлари ўз олдиларига етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган даражага 1964 йилдаёқ эришиш вазифасини қўйган.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг мастери Саид Нуриддинов ўз бригадасининг иш тажрибалари ҳақида гапириб берди. Бригада аъзолари КПСС XXI съезди арафасида ана шу юксак номни олиш учун курашга қўшилган эдилар. Янгиликларни кенг жорий қилиш, бир-бирларига яқиндан ёрдам бериш, қўшимча қасбларни ўрганиш натижасида бригада ўз кўрсаткичларини тинмай яхшилаб борди. Бир йил мобайнида 126 тонна металл, 71 тонна мазут, 108 минг киловатт-соат электр қуввати тежаб қолинди. Маҳсулотнинг 99 процента биринчи сортга топширилаётир. Бригаданинг ҳамма аъзолари ўқийди. Бу ерда руслар, украинлар, ўзбеклар, татарлар, тожиклар, қозоқлар, еврей ва корейслар худди бир ота-онанинг фарзандидек қўлни-қўлга бериб ишламоқдалар. Бригаданинг 11 аъзоси коммунист ва 13 аъзоси комсомолдир.

Залга йиғилганлар мусобақадош ивановоликлар вакили — Воронцов номли фабриканинг коммунистик меҳнат зарбдори В. Смирновaнинг нутқини зўр қизиқиш билан тингладилар. Ўртоқ Смирнова Иваново области меҳнаткашларидан Ленин орденли Тошкент области меҳнаткашларига қизғин салом топширди. У, Иваново иқтисодий районида етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган кураш қандай натижалар бераётганлигини сўзлаб берди.

— «Солидарность» фабрикасининг машҳур ишчиси Юлия Вечерова, — деди нотиқ, — асбоб-ускуналарнинг иш унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган курашнинг ташаббускори бўлди. Ҳозир айрим кишилар, бригадалар эмас, балки бутун-бутун корхоналар бу ҳаракатга қўшилди. Крупская номли, Фурмонов номли ва бошқа бир қатор корхоналар ҳозирдаёқ 1965 йил даражасида ишламоқдалар. Ана шу ҳаракатга таяниб ивановоликлар иқтисодий район бўйича етти йиллик охирги йили даражасига 1963 йилдаёқ эришишга қарор қилдилар. 1300 киши Гаганова изидан бориб, қолоқ бригадаларни илғорлар қаторига етказди. Биз мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

Ивановоликлар билан тошкентликлар ўртасини мингларча километр масофа ажратиб турибди. Лекин юракларимиз яқин. Улар баб-баравар тепаяпти. Чунки мақсадимиз битта — коммунизм қуриш!

Шунингдек, музокараларда 159-қурилиш трестидаги илғор бригада бошлиғи И. Шодибеков, Тошкент тўқимачилик комбинати коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Ф. Муроддшина, «Ташсельмаш» заводи коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи И. Палацкий ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзлаб, ўз коллективларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Слёт ишларида Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретарлари Х. Мусахонова, А. Илюхин ва Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев ўртоқлар иштирок этдилар.

Слёт қатнашчилари Тошкент областидаги саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва қишлоқ хўжалигидаги барча ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга қарата мурожаат қабул қилдилар.

Иваново шаҳридаги «Красная талька» фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Н. Рассомахина (чапдан учинчи) тошкентлик мусобақадошлари билан бирга.

М. Нуриддинов фотолари.

Сўз қишлоқ мухбирларига

Лалмикор ерларда мева етиштириш тажрибаси

Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди республикамиз боғбонлари олдига 1965 йилда боғ майдонини 96,7 минг, токзорлар майдонини 88,2 минг гектаргача кенгайтириш вазифасини қўйди.

Боғдорчиликни ривожлантириш соҳасида барча резерв ва илғор тажрибалардан фойдаланиш соҳасида жиддий иш олиб бориш ҳозирги кунниинг энг муҳим вазифаларидандир.

Бу жиҳатдан Юқори Чирчиқ районининг Паркент зонасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясига қарашли ўрмон хўжалиги илмий текшириш институти станциясининг ходимлари олиб бораётган ишлар яхши натижалар бермоқда. Узоқ йиллар давомида олиб борилган амалий тажрибалар денгиз сатхидан 1600 метр баландликда бўлган тоғлиқ районларда ҳам мевали боғлар яратиш мумкинлигини кўрсатди.

1942 йилнинг кўкламида денгиз сатхидан 1100 метр баландликдаги «Давоқи» участкасидаги 2 гектар ерга 51 хил мевали дарахт ўтказилди. Дарахтлар яхши парвариш қилиниши натижасида 6 ёшиданоқ ҳосил бера бошлади.

Станция ходимлари 1954 йил кўкламидан бошлаб денгиз сатхидан 1500 метр баландликда бўлган участкаларни ўзлаштиришга киришдилар. 1958 йилда эса денгиз сатхидан 1600 метр баландликдаги 2 гектар ерга ток кўчати экилди.

Боғдорчилик ишларининг механизация ёрдамида бажарилаётганлиги, айниқса, қувончли ҳолдир. Тажрибали механизатор Ю. М. Серков ташаббуси билан Д-259 ва С-80 тракторларига тиркалган мосламалар қўл меҳнатини камайтирди.

Бу тажриба участкасининг ютуқлари атрофдаги колхоз, совхоз меҳнаткашларини руҳлантириб юборди. Станциянинг илмий ходимлари В. Ф. Галактионов ва К. Галактионовларнинг раҳбарлигида «Коммуна» колхози ҳамда собиқ «Санганак» совхозларида 40 гектарга яқин сув чиқмай ётган лалмикор ерларга мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Булар бехатар ривожланмоқда. Станция қошидаги 4 гектар ерда сифатли кўчат навлари етиштирилмоқда.

Ю. БАҲОДИРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Бир шикоят тарихи“

Газетамизнинг шу йил 6 март сонидаги «Ўртўқмоқ» бўлимида юқоридаги сарлавҳа билан босилган материалда «Оққўрғон» совхозидаги 98-аптека мудири Бобохўжа Сидиқовнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида редакцияга келган шикоятни текшириш учун совхозга борган область аптекалар бошқармасининг инструктори Набихўжаев ишни бости-бости қилиб келганлиги фош этилган эди.

Область аптекалар бошқармасининг бошқарувчиси ўртоқ Каримовнинг редакцияга маълум қилишича материалда келтирилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. 98-аптека мудири Б. Сидиқов вазифасидан четлаштирилган. Бошқарма инспектори ўртоқ Набихўжаевга виговор эълон қилинган.

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ, (телефон орқали олинди). Киров номли совхозининг биринчи бўлимидаги коммунист ўртоқ Мутал Қаюмов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида чигит экиш анча барвақт тугалланган эди. Бригада ишчилари, механизаторлар 213 гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экдилар. Бу иш агротехника қоидаларига тўла амал қилинган ҳолда ўтказилди.

Қунт билан қилинган меҳнатнинг самараси кўрина бошлади. Дастлаб чигит экилган 37 гектар ерда чигит униб чиқиб, квадратлар ҳосил бўла бошлади. КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май Чақириқларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган бригада аъзолари ғўза парваришига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Экишда ғайрат кўрсатган тракторчилардан Мирза Нуриддинов, Абдулаҳад Худойқулов ўртоқлар ғўза парваришига эрта-индин киришадилар. Улар тракторларга культиваторлар осиб, агрегатни пухта созламоқдалар.

— Аввал ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эдик, — дейди бригадир Мутал Қаюмов, — ишимизнинг кетиши чакки эмас. Ҳамма майдонда чигитни текис ундириб олиб, ғўза парваришини сифатли ўтказсак ҳосил мўл бўлади. Шуни ҳисобга олиб ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта топширамиз, деб янги мажбуриятга қўл қўйдик.

Бу бригада ишчилари ғўзанинг биринчи цикл парваришини узоғи билан 10 майгача тугаллаш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

А. КИМ.

Дастлабки яшил квадратлар

ГУЛИСТОН. «Социализм» совхозининг 3-бўлимида 873 гектар ерга режа сими тортиб чигит экилган эди. Дастлаб чигит ташланган майдонларда яшил квадратлар пайдо бўлабошлади. Механизаторлар кечагина сеялкалар билан кирган карталарга бугун культиваторлар билан йўл олдилар. Ғўза парвариши бошланди.

Бўлим пахтакорлари ўтган йили ҳар гектар ердан 18 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Бу йил гектар бошига 25 центнердан «оқ олтин» кўтариш мажбурияти олинди. Шу кунларда пахтакорлар ва механизаторлар ғўзанинг биринчи парваришини 10 майгача тамомлаш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

М. ТОШПЎЛАТОВ.

БУЛАР ҚУРТ ТУТИШГА ТАЙЁР

КАЛИНИН. «Ленинизм» колхози аъзолари ўтган йили 72 қути қурт уруғи тутиб, давлатга 4750 килограмм пилла сотган ва плани 160 процент қилиб бажарган эдилар. Озода Жалолиддинова, Умри Умарова, Турсунгул Бисенова каби пиллачилик звено бошлиқлари 3 қутидан қурт тутиб, ҳар қутидан 100 килограммдан пилла териб олдилар.

Бу йил колхоз пиллачилари 85 қути пилла тутиб, 5700 килограмм пилла етиштириш мажбуриятини олдилар. Ҳозир пиллачилар қурт тутиш учун тайёрликни кучайтириб юбордилар. Пилла тутиладиган хоналар ремонт қилиб оқланмоқда. Инкубатор учун махсус жой тайёрланди. Қурт тутиладиган хоналарни иситиш учун 50 та чўян печка олинди. 12 тонна кўмир олиниб, пилла тутиладиган жойларга ташиб келтирилди.

Колхознинг пиллачилик бўйича агротехники ўртоқ Тўхта Рихсиева, бу йил биз тезкорлик усулда қурт тутиб, районда биринчи бўлиб пилла тайёрлаш планини бажариш учун курашаётирмиз, дейди.

А. ҲАМДАМОВ.

МАРИЯ КОВАЛЕВА БРИГАДАСИДА

БЎКА. (телефон орқали олинди). «Ленин йўли» колхозининг машҳур механизатори Мария Ковалева ўтган йили машинада пахта теришда юқори кўрсаткичга эришган эди. У, Турсуной Охунова изидан бориб, бу йил тракторда-далачилик бригадасига бошчилик қилишга аҳд қилди. Колхоз правлениеси Ковалеванинг илтимосини қондириб, унга ер ва техника, ишчи кучлари ажратиб берди.

Ковалева бригадаси ерни экишга сифатли тайёрлади. Техника пухта созланди. Шунинг учун ҳам экиш эрта бошланди. Экиш агрегатини бригадир Ковалеванинг шахсан ўзи бошқарди. У бир ўзи 65 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экди.

Колхознинг бошқа тракторчилари ҳам Ковалевадан ўрнак олиб, экишда юксак намуна кўрсатиб ишладилар. Йўлдош Абдурахмонов, Лян Володя сингари механизаторлар ҳам кундалик топшириқни ортиғи билан бажардилар. Уларнинг ҳар бири 70 — 80 гектардан ерга чигит экди.

— Ҳамма ишни механизация ёрдамида бажарамиз, — дейди Мария Ковалева, — ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганмиз. Пахтани фақат машинада терамиз.

Мария Ковалева ўз аҳдининг уддасидан чиқиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Дастлаб экилган чигитлар ниш уриб чиқа бошлади. Ҳозир бригадир Мария ўқариқлар олиб, техникани шайлаб, ғўза парваришига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бригада чигит униб чиқиши билан ғўзанинг биринчи цикл парваришини сифатли ўтказиш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйди.

Ж. СУЛТОНОВ.

ПИЛЛА МЎЛ БЎЛАДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ. Райондаги «Маданият» колхозининг илғор пиллачилари бу йил 100 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 60 килограммдан пилла етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун ҳозирдан зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. 2400 квадрат метр ҳажмда қуртхона ажратилиб, сўкчаклар ўрнатилди. Қуртларга мўл-кўл озуқа базаси яратиш мақсадида янгидан 4 гектар ерга тут кўчати экилди.

Колхоз пиллачилари ўз мажбуриятларини шараф билан бажариш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

А. ҚАЮМОВ.

Фермалардан дараклар

Сирдарё. «Қизил Октябрь» колхозида чўчқачилик тез ривожланмоқда.

— Ҳозир фермамизда, — дейди чўчқабоқар Василий Ряховский, — 80 она чўчқа бор. Булардан 1050 бола олишга аҳд қилганмиз, уларни парвариш қилишда зоотехника қоидаларига қатъий амал қиламиз.

Бу ерда чўчқалар группаларга ажратилиб боқилмоқда. Уларга маккажўхори крупаси, силос ва қирқилган беда берилади. Натижада чўчқалар тез семираяпти.

Т. Солиев.

Чиноз. 4-«Вревский» совхозининг сут соғувчилари М. Нурматова, П. Ильницкая, З. Дилмуҳамедовалар ҳар бош соғин сигирдан 5000 литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар. Бу соҳада дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Улар ҳар бош соғин сигирдан ўртача 1200—1400 литрдан сут соғиб олдилар.

М. Жониқулов.

4500 литр учун

Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари бу йил 460 тонна сут етказиш мажбуриятини олганлар. Ҳозиргача колхоз чорвадорлари давлатга 155 тоннадан ортиқ сут сотдилар.

Сут соғувчилардан Б. Исҳоқова, Ш. Набихонова, О. Мирзааҳмедовалар кўп сут соғиб олишда намунали ишламоқдалар. Жумладан Ш. Набихонова ўз боқимидаги 15 бош сигирнинг ҳар биридан ҳозиргача 1383 литрдан сут соғиб олди. У йил охиригача ҳар бир сигирдан 4500 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Сут соғувчи О. Мирзааҳмедова ҳам худди шу ишда иш олиб бораётир.

О. Искандаров,
Қ. Раҳимов.

Колхоз чорвадорлари муваффақияти

Чиноз районидаги «XXI партсъезд» колхози чорвадорлари давлатга гўшт, сут, тухум сотиш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбурият олганлар. Улар планда белгиланган 112 тонна ўрнига 224 тонна яъни икки йиллик план миқдорида гўшт етиштиришга аҳд қилганлар. Шу мақсад билан 220 бош чўчқа, 3 минг бош қўй бўрдоқи қилиб боқилмоқда.

— Бизда ем-хашак етарли, — дейди қўйчивон ўртоқ Кибар Мамедов, — ҳар бир қўйни камида 40 килограммдан семиртириш имкониятимиз бор. Шу йўлда курашаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам шу кунгача давлатга топширилган қўйларнинг тириқ вазни 40 килограммдан, чўчқаларнинг тирик вазни эса 100 килограммдан кам бўлгани йўқ.

Бу хўжаликда паррандачиликни ривожлантириш ва кўплаб тухум олиш соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Мавжуд 2200 товуқнинг ҳар биридан 106 тадан тухум олиш планлаштирилган. Шу ҳисобдан ҳозиргача давлатга 29 минг дона тухум топширилди, квартал плани ортиғи билан бажарилди.

У. КАРИМОВ.

ЭКИШДА ИЛҒОРЛАР ПАРВАРИШДА ҲАМ ИЛҒОРДИРЛАР

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Шу кунларда пахта далаларида мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинмоқда. Кузда хирмон баракали бўлиб, юзимиз ёруғ бўлсин деган деҳқонлар экишни тугалладилар. Кўп колхоз ва совхозлар каттагина майдонларга режа сими тортиб чигит экдилар. Эндиликда улар чигитни бир текисда ундириб олиш ва ғўза парваришини бошлаб юбориш тараддудини кўрмоқдалар. Қуйида шу ҳақда редакциямизга келган хатларнинг қисқача мазмунини баён қиламиз.

БЕКОБОД. Район меҳнаткашлари областимизда биринчи бўлиб чигит экишни тугалладилар. Ҳозир ҳамма хўжаликларда, жумладан «Чаноқ» совхозида чигитни бир текисда ундириб олиш тадбирлари амалга оширилаётир. Совхознинг ўртоқ Эрувбой Умрзоқов бошлиқ бригадасидаги механизаторлар чопиқ тракторларига культиваторлар билан бирга ғўзани озиқлантирадиган аппаратлар тиркамоқдалар. Чигит экишда илғор бўлган бу бригада ғўза парваришида ҳам олдинда бўлиш учун курашмоқда. Бу ҳақда газетхон ўртоқ **М. Кубаев** ёзиб юборган.

ЯНГИЕР. «Коммунизм» колхози шаҳарнинг илғор хўжаликларидан биридир. Колхоз деҳқонлари ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб келадилар. Бу йил ҳам ана шу мақсад билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Буни 18-бригада мисолида кўриш мумкин.

— 150 гектар ердан 600 тонна пахта ҳосили етиштиришга қарор қилинган, — дейди газетхон ўртоқ **Х. Расулев** шу бригада ҳақида гапириб, — ҳозиргача ҳамма майдонга чигит экиб бўлинди. Энди бригада аъзолари ғўза парваришини бошлаб юбориш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

ГУЛИСТОН. «Коммуна» ва Крупская номли колхозларда экишда ишнинг сифатига катта эътибор берилди. Асосий майдонларга квадрат-уялаб чигит экилди. Айниқса, Крупская номли колхознинг ўртоқ Ортиқбой Отақулов бошлиқ бригадасида чигит экиш уюшқоқлик билан ўтказилди. Ҳозир бригада аъзолари 200 гектар ердан 60 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида чигитни соғлом ундириб олиш тадбирларини амалга оширмоқдалар. **Ҳ. Ҳалилов** ва **Ҳ. Исаев** ўртоқлар шу мазмунда редакциямизга хабарлар юборганлар.

СИРДАРЁ. Газетхонлардан **О. Эргашев, Э. Бегматов, О. Утаев, Т. Охунов. Ш. Жўрабоев, Н. Алимуҳаммедов, Т. Солиев Ғ. Турсунхўжаев** ва **А. Қосимов** ўртоқларнинг хабарларига қараганда, Карл Маркс номли, Куйбишев номли, Охунбобоев номли, «Қизил Октябрь» ва «Победа» колхозларида пахтадан мўл ҳосил етиштириб, областимиз бўйича 475 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун қизғин кураш бораётир. Карл Маркс номли колхознинг Ж. Бадалов, Куйбишев номли колхознинг А. Тўйчиев ва Охунбобоев номли колхознинг Т. Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида чигит экиш барвақт тугалланди. Карта четлари ва бурчакларига ҳам чигит экилди. Энди қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ва бошқа навбатдаги ишлар бажарилаётир.

— Свердлов номли колхознинг ўртоқ Абдулла Тўрақулов бошлиқ бригадасида, — деб хабар қилади ўртоқ **А. Ерматов**, — 90 гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экилди. Мавсумда механизатор ўртоқ Ниёзали Қўзиев жонбозлик кўрсатиб ишлади. У ғўза парваришида ҳам астойдил ҳаракат қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқчи.

ЧИНОЗ. «Коммунизм» ва Киров номли колхозлардан **К. Довурбоев** ва **Ҳ. Убайдуллаев** ўртоқлар хабар қиладилар: Э. Турсунбоев ва А. Бекназаров ўртоқлар бошлиқ бригадалар ўз колхозларида чигитни тез ва сифатли экиш учун бошланган мусобақада олдинда бордилар. Ҳар иккала бригада аъзолари яқин кунлар ичида ғўза парваришини бошлаб юбориб, бу ишда ҳам илғорликни қўлдан бермасликка интилмоқдалар.

ЯНГИЙЎЛ. Районнинг қатор хўжаликлари мўл ҳосил учун дастлабки пойдеворни тикладилар. Свердлов номли, «Коммунизм», «XIX партсъезд», Фрунзе номли колхозлар шундай хўжаликлардан. Эндиликда бу колхозларнинг аъзолари ҳамма майдонларда чигитни текис ундириб олиб, Биринчи май байрамигача ғўза парваришини қизитиб юбориш учун курашмоқдалар. Бу ҳақда **Қ. Собиров, А. Бобоқулов, М. Рихсиев, Л. Азаматов** ўртоқлар редакциямизга хабар қилишган.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Энгельс номли колхоз аъзолари, деб ёзади ўртоқ **А. Қобулов**, районда биринчи бўлиб чигит экишни тугалладилар. Экиш айниқса ўртоқ А. Юсупов бошлиқ бригадада сифатли ва тез ўтказилди. Ҳозир колхозда майолди социалистик мусобақаси қизиб кетди.

Газетхонлардан **Ж. Холматов, А. Раззоқов, Р. Исмонлов, Р. Туроқова, М. Умарқулова** ўртоқлар ҳам «XX партсъезд», Куйбишев номли, Свердлов номли колхозлардан шундай мазмунда хабарлар ёзиб юборганлар.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози ва «Оққўрғон» совхозидан, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинизм» ҳамда Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозларидан ҳам хабарлар олдик. Бу хабарларнинг авторлари **С. Усмонов, Н. Тўфонов, Т. Маматов, Х. Қуролов** ва **Ж. Акрамов** ўртоқларнинг хабар қилишича, анашу хўжаликларда чигит экишни барвақт тугаллаб, ғўза парваришини бошлай деб турган бригадалар кўплаб топилади. Бу бригадаларнинг аъзолари «Экишда илғор бўлсанг, ғўза парваришида ҳам илғор бўласан» дейишиб, аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

«Ватан» кинотеатри — мусобақа ғолиби

Пойтахтдаги кенг экранли «Ватан» кинотеатри коллективи кейинги вақтларда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишни анча яхшилади. Кинотеатрда икки ойдан буён ҳар куни пландан ташқари бир сеанс ортиқ кинофильм кўрсатилмоқда.

Бу катта маданий муассаса Чирчиқдаги кенг экранли «Навоий» кинотеатри билан мусобақадош. Кинотеатрларнинг ўзаро социалистик мусобақаси аҳолига намунали хизмат қилишда, ойлик планларни бажаришда яхши самаралар бераётир. Мусобақанинг дастлабки натижалари якунланди. «Ватан» кинотеатри тўрт ойлик планни муддатидан ўн кун илгари бажариб, давлатга 1 миллион 729 минг сўм маблағ топширди. Кинотеатр коллективи 1 Май байрамигача планга қўшимча равишда яна 100 минг сўм маблағ бериш мажбуриятини олган.

Йирик ишлаб чиқариш комбинати

Республика кўрлар жамияти учун пойтахтимизнинг Фрунзе районидаги Чопонота массивида йирик ишлаб чиқариш комбинати қуриш мўлжалланмоқда. Қурилиш майдони 12,5 гектар ерга эга бўлиб, бу жойда ётоқхона, магазин, кинотеатр, 600 ўринлик маданият саройи, болалар яслиси, ҳаммом ва бошқа бинолар қад кўтаради. Ишлаб чиқариш комбинати металл штамповка, қуюв цехлари, пластмасса ва қоғоз буюмлари ишлаш цехларидан ташкил топади.

Комбинат қурилиши бошлаб юборилди. Бу катта қурилиш объекти учун 28 миллион сўм маблағ ажратилган.

Х. ШАРИПОВ.

Ботвинник-Таль матчи

23 апрелда жаҳон биринчилиги учун гроссмейстерлар Ботвинник ва Таль ўртасидаги шахмат матчининг 16-партияси ўйналди. Оқ доналар билан юрган Ботвинник дебютда бироз активликка эришди. Лекин ўнинг рақиби ўйинни соддалаштиришга ҳаракат қилди. Ўйин ўша куни тамом бўлмай қолди. Бунда томонлар позицияси тахминан тенг эди. Эртасига рақиблар дурангга рози бўлганликларини матчнинг бош арбитрига маълум қилдилар. Ҳисоб Таль фойдасига 9:7 бўлди. Навбатдаги 17-партия бугун ўйналади.

Пойтахтимиздаги Шота Руставели кўчасининг қиёфаси кейинги вақтда жуда ўзгариб кетди. Кетма-кет қад кўтараётган янги-янги уй-жой бинолари кўчанинг ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Суратда: яқинда биткизилган уй-жой бинолариии канализациялаш ишлари олиб борилаётир.

В. Салов фотоси.

Сиз бу музейда бўлганмисиз?

Тошкентдаги Ўзбекистон амалий санъат музейи ажойиб коллекциялари билан киши диққатини ўзига тортади. Бу ерда республикамиз меҳнаткашларининг қўлда санъаткорлик билан яратган нозик буюмлари сақланмоқда. Музей биносининг ташқи ва ички безакларининг ўзи ҳам гўзаллиги билан эътиборингизни жалб қилади. Бино нақши шундай нозик дид билан ишланганки, уни кўриб бадиий лавҳа ўқигандек таъсирланасиз. Бухоро, Хива, Хўжанд ва тошкентлик усталар санъатига қойил қоласиз.

Музейда 6 та зал бўлиб, буларнинг энг каттасида нозик ва ажойиб санъат билан ишланган миллий мебеллар, лаганлар, пиёла, кўза ва чойнаклар бор. Булар — Ғиждувон, Шаҳрисабз, Хива, Риштон ва тошкентлик кулолчи усталарнинг саботли меҳнатлари туфайли вужудга келган буюмлардир. Бу ерда Хивадаги «Ўмид» артели ишчилари томонидан тўқилган «Юлдуз» деб ном қўйилган гилам бутун зал ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Залларнинг бири тикувчи аёлларимизнинг санъатига бағишланган. Бу ерда жуда чиройли қилиб тикилган палак, гўзал сўзаналар — хуллас гул кўрпадан тортиб чойшабгача бор. Қўшни залда бухоролик ўймакор усталар, заргарлар ясаган ажойиб буюмларни кўрасиз. Бу ердаги зар билан тикилган дўппилар, чопонлар ва зар палаклар Ленинград эрмитажидаги Олтин зал буюмларини эслатади. Олтин билак узуклар, ҳалқалар, ўймакор усталар томонидан яратилган нафис қумғон ва чой идишлар халқимиз ичида жуда бой ва мазмундор санъат эгалари бор эканлигининг ёрқин намунасидир.

Гиламлар ва панжаралар қўйилган зал ҳам киши диққатини ўзига тортади. Айниқса, Андижондаги «Меҳнат гули» артели билан Хоразмдаги «Умид» гиламчилик артелларининг маҳсулотлари диққатга сазовордир.

Музей залларида жойлашган яна бир ажойиб нарса ҳақида гапирмасдан ўтолмайди. Булар машҳур кишиларнинг ипак билан тикилган ажойиб портретларидир. Бу экспонатлар орасида Харитова тиккан В. И. Ленин ва Мао Цзэ-дун, республикамиз оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ва қозоқ халқининг машҳур оқини Жамбул Жабоевнинг портретлари, Мерзлова томонидан ипак билан тикилган Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Нерунинг портрети ўзининг ёрқинлиги, нафис ва ҳаётийлиги билан ажралиб турибди. Ўймакор Метенинанинг ёғочга ўйиб ясаган Алишер Навоий портрети ҳам диққатга сазовордир.

Музей экспонатларини тамоша қилар экансиз, бу ердаги нарсаларнинг кўплари халқаро виставкаларда намойиш қилиниб, олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланганини билиб оласиз.

Бу ажойиб музей шу давргача «Узхудожпромсоюз»нинг технологик ва конструкторлик бюроси қарамоғида сиқилиб ётган эди. Мана энди у мустақил музейга айланди. Яқинда музейга қўшимча бинолар қўшиб берилди ва янада кенгайтирилди. Ҳозир бу музейни дунёнинг барча чеккаларидан келаётган кишилар зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар ва халқимиз ичидан етишиб чиққан ажойиб усталар, чевар тикувчи, гилам тўқувчи ва ўймакорлар меҳнатига қойил қолмоқдалар. Музейдаги таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақлар экансиз, бу ерда Хитой, Ҳиндистон, Цейлон, Гана, Япония, Арабистон, Афғонистон ва бошқа кўпгина мамлакатлардан келган меҳмонларнинг мулоҳазаларини ўқийсиз. Масалан, ҳиндистонлик меҳмон Лакшми Чанд Джейн шундай деб ёзди: «Мен бу музейдаги ўзбек халқининг ажойиб маданияти ва санъати буюмларини кўришим билан хурсандман...»

— Музейни янада кенгайтириш, ундаги экспонатлар сонини ошириш ва халқимиз яратаётган хилма-хил буюмларни йиғиш бизнинг ҳозирги асосий вазифамиздир,— дейди музей директори Сидеренко.

Пойтахтимизнинг Шпильковская кўчасида жойлашган бу ажойиб музейни ҳар куни келиб кўришингиз мумкин.

Қ. АҲМЕРОВ.

ПЛАСТМАССАДАН 40 дан ОРТИҚ ДЕТАЛЬ

Илгарилари республикамизда, шунингдек Тошкент областида ҳам турли маркадаги автомобилларнинг запас қисмлари етишмаслиги натижасида машиналар узоқ муддат ремонт кутиб қолар эди. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ана шу танқисликкка хотима бериш мақсадида ўтган йили Тошкентдаги аккумулятор заводини «Авторемдеталь» заводига айлантирди. Янги корхона иш унуми юқори бўлган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Корхона коллективи ҳам қисқа муддат ичида автомобилларнинг ҳархил деталларини ишлаб чиқаришни яхши ўзлаштириб олди.

Запас қисм ишлаб чиқарувчилар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг халқ хўжалигимиз учун жуда зарур бўлган рангли металларни тежаб-тергаб сарфлаш тўғрисидаги Мактубига жавобан муҳим тадбирларни кўрмоқдалар. Ҳозир корхонада 40 дан ортиқ деталь пластмасса ва капрондан тайёрланмоқда. Натижада рангли металл тежалмоқда. Шу билан бирга бундай деталлар металлдан ясалганига қараганда анча енгил ва сифатли бўлмоқда. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини оширишга ҳам ёрдам бераётир. Илгарилари ГАЗ — 51 автомашинаси рессорининг втулкаси 155 грамм металл сарфланиб, 10 минутда тайёрланар эди. Эндиликда пластмассадан ясалган втулканинг ҳар бирига 1,5 минут вақт сарфланмоқда. Втулканинг оғирлиги 6 баравар енгиллашди.

Корхона коллективи иккинчи квартал охиригача пластмасса ва капрондан ишланадиган деталлар сонини 50 дан ошириш учун ҳаракат қилмоқда. Бу тадбир кўплаб рангли металлни тежаш ва етти йиллик фонли маблағини кўпайтириш имконини беради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЯНГИЕР ОСТИДА ЁПИҚ ЗОВУР

ЯНГИЕР. Бу ерда қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар шаҳри — Янгиер остида ёпиқ зовурнинг биринчи навбат қисми қурилиб бўлаётир.

Чуқур траншеяга асбоцемент трубалар ётқизилган. Уларнинг умумий узунлиги 20 километрни ташкил этади. Ана шу ёпиқ зовур секундига 80 литр шўр сувни шаҳардан ташқарига чиқариб ташлай олади. Трубаларга тупроқ тиқилиб қолмаслиги учун улар атрофига махсус фильтр қилинган. (УзТАГ).

Телевизор экранида

26 АПРЕЛДА

19.30. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун мультипликацион фильмлар.

19.50. Сўнгги ахборот.

20.05. Сталин номидаги Тошкент тракторчилар мактаби духовой оркестрининг концерти.

20.30. Ҳамза номли театрдан «Тоға-жиянлар» спектакли олиб кўрсатилади.

СССР ҳукуматининг Япония ҳукуматига эсдалик хати

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико янги Япония-Америка ҳарбий шартномаси ҳақида 22 апрелда Японияннинг Москвадаги элчиси С. Кадовакига Совет ҳукуматининг эсдалик хатини топширди. Бу эсдалик хати Япония ҳукуматининг шу йил 1 мартдаги эсдалик хатига берилган жавобдир.

Совет ҳукумати шуни кўрсатиб ўтадики, Япония-Америка шартномаси мудофаа мақсадини кўзлайдиган шартнома деб ҳеч бир далилсиз қилинаётган даъволар бу шартномаининг милитаристик, агрессивлик характерини яшира олмайди. Япония ҳукумати Японияга ҳеч ким таҳдид солмаётган, унинг яқин қўшнилари — Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси эса, тинчликни мустаҳкамлашдан ғоят манфаатдор бўлиб, бутун Узоқ Шарқ районининг, шу жумладан Японияннинг хавфсизлигини чинакам таъминлашга қаратилган амалий таклифларни кетма-кет қилиб турган ва қилаётган бир вақтда, Японияни кимдан мудофаа қилмоқчи бўлганлиги масаласи ҳақида оғиз очмаётир. Япония ҳукумати тузган янги шартнома мудофаа эҳтиёжларини асло кўзламайди, балки бу шартнома тинчликсевар давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётган муайян ҳарбий блокларнинг сиёсати билан боғланган шартномадир.

СССР ҳукуматининг эсдалик хатида, Япония-Америка ҳарбий шартномаси тузилганлиги сабабли келиб чиқадиган оқибатлар учун бутун масъулият Япония ҳукумати устига тушади, деб яна таъкидланади.

(ТАСС).

Чет элларда

ВЕНГРИЯ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИНИНГ СЪЕЗДИ

БУДАПЕШТ, 24 апрель. (ТАСС). Бугун Будапештда парламент биносида Венгрия-Совет дўстлиги жамиятининг съезди очилди. Съездда 500 га яқин делегат қатнашмоқда.

Съезднинг очилишида Венгрия Халқ Республикаси президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Шандор Ронаи ва Дежэ Немеш, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети ва Венгрия ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар. Съезд ўтган 15 йил мобайнида венгер ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш соҳасида жамиятнинг иш тажрибаларини муҳокама қилади ва келгуси давр учун жамиятнинг асосий вазифаларини белгилайди.

Съездда Венгрия-Совет дўстлиги жамиятининг раиси академик Элемер Вадас ҳисобот доклади қилди. Докладчи совет ва венгер халқлари қардошлик алоқаларининг аҳамиятини уқтириб, ўтган ўн беш йил венгер халқининг мустақиллиги, Венгриянинг ҳар томонлама тараққиёти социализм, тинчлик ва Венгрия-Совет дўстлиги идеялари билан чамбарчас боғланганлигини исбот қилиб берганлигини айтиб ўтди.

Э. Вадаснинг докладидан кейин съездда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Шандор Ронаи нутқ сўзлади. У, съезд қатнашчиларига Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг табригини топшириб, бундан кейинги ишларида уларга муваффақиятлар тилади.

Съездга келган совет делегациясининг бошлиғи В. П. Друзин Совет-Венгрия дўстлиги жамияти номидан съезд делегатларини табриклади.

Хельсинкида тантанали мажлис

ХЕЛЬСИНКИ, 24 апрель. (ТАСС). Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети халқаро пролетариатнинг улуғ йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига бағишлаб, бугун Хельсинкида тантанали мажлис ўтказди. Маданият уйининг концерт зали ишчилар, хизматчилар, Финляндия пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари билан тўлган эди. Залда ҳозир бўлганлар орасида Финляндия Коммунистик партиясининг бош секретари В. Песси, Финляндия Коммунистик партиясининг раиси А. Аалтонен, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолари ҳамда Финляндия Коммунистик партиясининг бошқа таниғли арбоблари, фин ишчилар ҳаракатининг ветеранлари бор эдилар. Мажлисга Финляндия Коммунистик партиясининг XII съездида қатнашган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. И. Брежнев, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. И. Попов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. П. Терешкин ўртоқлардан иборат составдаги КПСС делегацияси, шунингдек СССРнинг Финляндиядаги элчиси А. В. Захаров, бошқа социалистик мамлакатларнинг дипломатик вакиллари ҳам келдилар.

Финларда, деди Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Мякинен мажлисни очатуриб, В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигини нишонламоқ учун алоҳида важ бор. Чунки В. И. Ленин фин халқининг содиқ дўсти эди. Финляндия В. И. Ленининг қўлидан давлат мустақиллигини олди.

Финляндия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, парламент депутати Херта Куусинен В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди.

Бу ерда ҳозир бўлганлар томонидан самимий кутиб олинган КПСС делегациясининг бошлиғи Л. И. Брежнев мажлисда нутқ сўзлади.

Мажлис охирида Л. И. Брежнев, Г. И. Попов ва В. П. Терешкин халқаро ишчилар ҳаракатининг улуғ устози ва йўлбошчиси В. И. Ленинга бағишланган байрамни нишонлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети номидан Финляндия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига В. И. Ленининг портретини топширадилар.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА

ПХЕНЬЯН, 24 апрель. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги хабар беради. Чончжуда бўлган студентлар намойишида Сеулдаги Корэ университетининг ва Ченбук университетининг бир мингдан ортиқ студентлари қатнашди.

Намойишчилар шаҳар кўчаларидан ўтдилар ва стадионда тўпландилар. Бу ерда лисинманчилар тўдасининг фашистик режимига қарши охиригача кураш олиб бориш ҳақида қарор ўқиб берилди.

Сўнгра улар Шимолий Чолла вилоят бошқармаси ҳамда полиция бошқармаси биноси олдида ўтирган ҳолда забастовка ўтказдилар ва 15 мартдаги сайловни сохталаштиришда айбли бўлган кишиларнинг ушлаб берилишини талаб қилдилар.

Полиция студентларни ҳукумат биноси олдидан ҳайдаб юборишга уринди. Даргазаб бўлган студентлар полициячиларнинг ҳужумини даф этиб, бино ичига бостириб кирдилар ҳамда дераза ва жиҳозларни синдирдилар. Бир неча ўнлаб полициячи ярадор бўлди.

Агентликнинг хабар беришича, бугун эрта билан Сеулдаги Демульпхо мактабининг 500 студенти иштирокида намойиш бўлган. Ўқувчилар кўчалардан ўтиб, варақалар тарқатганлар. Варақаларга: «Мактабларга эркинлик!», «Мактаблар дарҳол очилсин!», «Инсон ҳуқуқларининг бўғилишига қарши норозилик билдирамиз!», «19 апрелда қон тўкилганлиги учун ҳукумат жавобгар бўлиши лозим!» ва «Йўқолсин милтиқлар!» деган сўзлар ёзилган.

Сеулдаги майдонлардан бирида 19 апрелда ўлдирилган студентларнинг хотирасига бағишланиб, студентларнинг митинги бўлди.

Агентликнинг хабар беришича, шаҳарнинг турли районларида студентларнинг бир неча намойиши бўлган, намойишларга аҳоли ҳам қўшилган.

ЛАОСДА САЙЛОВ

ЛОНДОН, 24 апрель. (ТАСС). Лаосдан олинган хабарларга кўра, у ерда бугун миллат мажлисига сайлов ўтказилган. Овоз бериш армия ва охранканинг контроли остида ўтган.

Сайлов натижалари камида бир ҳафтадан кейин эълон қилинади. Нео Лао Хак Сат ватанпарварлар партияси ҳақиқатда бу сайловлардан четлаштирилган эди.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

БИНОКОРЛАР ЁТОҚХОНАСИ

Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестининг бинокор ишчилари учун Троицк поселкасида 300 кишига мўлжалланган 3 қаватли ётоқхона биноси қурилиб фойдаланишга топширилди. Унда қизил бурчак, бичиш-тикиш учун махсус хона, овқат тайёрлайдиган умумий ошхона ажратилган. Бинокор ёшлар ётоқхонасида катта спорт зали ҳам бор. Ётоқхона учун ҳар хил чолғу асбоблари ва спорт инвентарлари сотиб олинди.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

НЕЧУН БАХТИНГНИ ТАРК ЭТДИНГ, ХОТИРА?

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

— Эрим менинг ўқишимга қаршилик кўрсатди. У аёл кишиларнинг ўқишини ёқтирмасди. Икки гапнинг бирида «аёлларнинг бахти — чиройи билан ўлчанади» дерди. Мен яхши кийинишни, тамошаларга боришни яхши кўрардим. Қайнонам ҳам менга биринчи кунлари яхши назар билан қаради. «Хотин учун шундай маданий яшашдан ҳам ортиқ бахт борми?» деб айтарди у. Аммо уларнинг ҳаёти билан чуқур таниша борган сари ўзимнинг нақадар хато йўлга кирганимни тушуна бошладим. Фақат энди вақт ўтган, сабр қилишдан бошқа илож қолмаган эди. Каримнинг отаси ҳам аввал савдо соҳасида ишлаган, у вафот этгач, ўғли ҳам шу соҳа бўйича кетган эди. Лекин Каримнинг қўли эгри эди. Ўғирлабми, бошқа йўл биланми, хуллас ҳар куни даста-даста пул олиб келарди. Унга тўғри, виждон билан ишлаш кераклигини айтганимда, у мени эркалаб туриб:

— Калтафаҳм бўлма, Хотирам, инсон ҳаётда яхши яшамоқ учун туғилади. Менинг гулим у мени кўпинча шундай деб атарди, — пулимиз қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши.

— Ахир, ҳамма нарсамиз муҳайё, ортиғининг нима кераги бор? — десам, Карим кулиб:

— Пул билан ақлни ҳам сотиб олиш мумкин. Ахир ҳаёт пул учун яратилган-ку! — дерди.

Унинг бу ярамас фикридан аввал воқиф бўлганимда унга турмушга чиқармидим? Қайнонам Тамарахола билан ҳар куни сўзлашиб ўтирардик. Икки-уч ойда бир марта онамни кўргани борардим.

Турмушга чиққанимга 8 ой бўлди. Ўзимнинг уйимга бордим. Онам менга Муслимнинг касалхонада ётганини айтди. Алланечук бўлиб кетдим. Ўша куни бир илож қилиб Муслимни кўриб келиш учун касалхонага бордим.

Касалхона ҳовлисида анвойи гуллар қулф уриб ётибди. Улар димоғимга хуш ҳид уфурди. Дарахтлар тагига қўйилган скамейкаларда беморлар дам олмоқда. Мен дарахтлар соясидан юриб, уч қаватли бино томонга йўналдим. Ўн қадам ҳам юрмаган эдимки, чап томонда Муслим кўринib қолди.

У акация дарахти тагидаги скамейкада энгагини икки кафти орасига олган ҳолда хаёл суриб ўтирарди. Унинг ранги кетган ва анча озган, қуюқ қора сочлари ҳам тўкилиб сийраклашган эди. У мени кўриб юзини ўқирди ва кетишга шайланди. Лекин мен унга етиб олдим.

— Салом Муслим, соғлиғинг яхшими?

— Менинг соғлиғим билан нечун қизиқиб қолдинг?

Унинг сўзларида кескинлик, кучли заҳарханда ётарди. Ўзимни оғирликка олиб:

— Онам хасталигингни айтган эди. Соғ-саломатлигингни билиб, бирор ёрдам зарур бўлса...

— Ҳалқ шунга келдингми? — менга ғазаб билан боқди Муслим, — биров мени ёрдамга муҳтож дедими? Ҳеч нарсага муҳтожлик жойим йўқ. Бекор келибсан!

У хайрлашмади ҳам. Орқага ўгирилиб юриб кетди. Унинг сўзлари юрагимга ништардек санчилди. Тинчим йўқолди. Ўз-ўзимни койидим. Ахир, унинг касал бўлишига энг катта айбдор мен эмасми!..

Орадан уч ой ўтди. Муслимни ҳали ҳам касалхонада деб эшитдим. Яна кўргани бордим. Бу гал Каримдан ва қайнонамдан бекитиб бордим. Чунки Каримнинг рашки жуда ёмон, агар бирор эркак одамга қарагудек бўлсам дарҳол жаҳли чиқарди... Лекин Муслимни кўра олмадим. Врачларнинг айтишига қараганда, у икки ой муқаддам анчагина соғайиб, дам олгани курортга кетибди.

Шундан кейин Муслимни сира учратмадим. Беш йил бўлди, оиламиз бошига катта ташвиш тушди. Каримнинг қинғир ишларининг таги очилиб, миси чиқди. У 15 йилга қамалиб кетди. Ачиндим, на чора? Менга тасалли бериб турган Каримнинг бир неча мактубларини бўлди. Онаси Тамарахола ҳам саросимага тушиб қолди. Лекин уч-тўрт ой ўтгач, у яна аввалгидек яхши турмуш кечира бошлади. Ўғлининг тақдири билан қизиқмасди ҳам. У мени биргина пальто билан уйдан қувиб чиқарди. Яхшиямки, боламнинг йўқлиги. Бўлмаса икки киши сарсон бўлардик. Ўз уйимга қайтишни эп кўрмадим. Қозоғистондаги бир қурилишга бориб ишладим. Бу орада тўқимачилик институтининг сиртқи бўлимига кириб ўқидим. Бир йилдан кейин Карим хат ёзишни тарк этди. Бир неча марта хат ёзиб жавоб ололмадим. «Нега ҳамма ўз севгилиси билану, мен ёлғизман», дердим ўз-ўзимга. Каримнинг ўша ердаги номаълум ўртоғи хат ёзиб, унинг озод юришга чиққанини ва Галя деган бир қизга уйланганини айтди. Мен бунга ишонмадим. Тюрьма бошлиғига хат ёздим. У ҳам юқоридаги жавобни қайтарди. Шундан кейин ўзимни ҳаётда ортиқча одамдек ҳисобладим. Турли хаёлларга ғарқ бўлиб, «майли, пешонамда нима бўлса шуни кўрарман» дедим, охири.

У бир нафас гапини тўхтатди. Дастрўмолини олиб яна кўз ёшини арта бошлади:

— Энди Тошкентга келяпман. Институтни битириб шу ердаги тўқимачилик комбинатига йўлланма олдим. Йўлда ҳоламникига кирган эдим, у менга Муслимнинг ана шу комбинатда масъул вазифада ишлаётганини айтди. Мен буни аввал билганимда йўлланмани бошқа ёққа олган бўлур эдим.

Гўзал шаҳримизнинг, икки томони дарахтзор кўчаларидан ўтиб борар эканмиз. Хотира ўз саргузаштини сўзлашдан тўхтади.

Автобусдан тушдик. Хотира мен билан хайрлашиб кетаётган эди, нимадир ёдига тушиб яна орқага қайтди.

— Айтгандай журналистлигинг сира ёдимда йўқ Мунира, тағин менинг ҳаётимни ёзиб ўтирма, дўстим.

— Ёзсам нима қилади? — дедим сўлғин юзларига тикилиб.

— Нима ҳам дердим, — жавоб берди у, — ёзсанг ёза қол. Балки бошқаларга бунинг фойдаси тегар. Майли ёз, дугоналарим менинг ҳаётимдан хулоса чиқариб, мен каби адашиб юрмасин. Ёзавер, розилиқ бераман, — деди қўл бериб хайрлашаркан.

Унинг орқасидан узоқ қараб қолдим:

— Нега илгариги бахтингни тарк этдинг, Хотира?

У узоқлашиб кўздан йўқолди. Мен қадамимни тезлатиб уйга шошардим.

Озарбайжончадан **Хайриддин САЛОҲ** таржимаси.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/IV да **Жизель** (билетлар сотилган), 27/IV да **Марварид қидирувчилар** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IV да **Кураш йиллари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/IV да **Ошиқ Ғариб.**

Алла — «ВАТАН», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кеч соат 6, 8, 10 да).

Шўх қайрилишлар — «ВАТАН» (кеч соат 8-40 минут ва 10-20 минутда).

Бир йиллик йўл — «МИР» (1-серия эрталаб соат 10, кундуз 2 да), 2-серия кундуз 12 ва 4 да).

Қора денгиз қизи — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Мўъжизалар шаҳри (кундуз соат 12 ва 2 да), **Намасте** (кундуз 1, 3, кеч 5 ва 10 да). — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Булутли тонг — НАВОИЙ номли (ёзги, кеч соат 7 яримда).

Бирга бўлганингдагина... — КАФАНОВ номли (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Ўзбек цирки

ГАСТРОЛИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

„ЕТТИ ҚУВНОҚ“

қизиқчилар группаси.

Итальян артистлари

БЕЛЛЕЙ

Касса эрталаб соат 11 дан очилади.

Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ИМОРАТ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СССР Министрлар Советининг 1959 йил 11 декабрда «Колхозлар ва аҳолининг мулкини ихтиёрий тартибда страхование қилиш тўғрисида» деб чиқарган 1333-сон қарорига мувофиқ, **мажбурий страхованиега қўшимча равишда**

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ШАХСИЙ МУЛКИ БЎЛГАН

иморатлар ихтиёрий тартибда ҳам страхование қилинади

Страхованиега шаҳар ва қишлоқлардаги уй-жойлар ва хўжалик иморатлари қабул қилинади.

Иморатлар табиий офат натижасида нобуд бўлишдан ёки зарарланишдан страхование қилинади.

Страхование суммалари, иморат эгаларининг хоҳишига қараб, иморатнинг ихтиёрий тартибдаги страхование баҳосининг 80 проценти билан мажбурий окладли страхование баҳоси ўртасидаги фарқ доирасида белгиланади.

Страхование тўловлари ставкаси страхование суммасининг ҳар 100 сўми юзасидан бир йилга қўйидагича белгиланган:

қишлоқ жойларида — 70 тийин;

шаҳар жойларида — 50 тийин

Иморатларни ихтиёрий тартибда страхование қилиш шартномаси бир йилга тузилади.

Керакли маълумотни сўраш ва страхование шартномаси тузиш учун Госстрах инспекциясига, инспекторига ёки агентига мурожаат қилинсин.

Госстрах Тошкент область бошқармаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети шаҳар уй-жой бошқармасининг

ихтисослаштирилган

шаҳар монтаж трести

буюртмачилар материалидан

ТАШҚИ ВА ИЧКИ КАНАЛИЗАЦИЯ, ВОДОПРОВОД, САНУЗЕЛ, БИНОНИ ИСИТУВЧИ ИНШООТЛАР

қуриш-монтаж қилиш

ҳамда электромонтаж ишларига

пудрат шартномалар тузади

Мурожаат учун адрес: Олмазор кўчаси, 67-уй. Телефон— 42-885, 42-865.

Собир Раҳимов кўчаси, 6. тупик, 11-уйда турувчи Воли Файзиевнинг Собир Раҳимов кўчаси, 75 -уйда турувчи Зубайра Зиёвуддиновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 5-участка халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 02651 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1582.